

## Рамазон табриги



12:38 / 10.03.2024 25472

Азиз юртдошлар, мухтарам мўмин-мусулмонлар! Барчангизни кириб келган муборак Рамазон ойи билан чин дилдан, самимий муборакбод этамиз!

Аллоҳ таоло Ислонинг беш арконидан бири бўлмиш рўза ибодати учун хослаган бу ойни иймон-эътиқод билан, хулуси ният билан, ажру савоблардан умидвор бўлган ҳолда ўтказишни, бу ойда қилинган солиҳ амаллар учун ваъда қилинган беҳисоб улуғ мукофотларга ноил бўлишни барчамизга насиб айласин!

Ушбу ойда ота-оналаримизга, аҳли аёлларимизга, фарзандларимизга гўзал исломий муносабатда бўлишимиз, қавм-қариндошлар, қўни-қўшниларга яхшилик қилишимиз, мухтожларга баҳолиқудрат хайр-саховат

кўрсатишимиз ҳар қачонгидан кўра улуғроқ ибодат ҳисобланади. Шу билан бирга, оилада эркагу аёлларимизнинг ҳақларини адо этишимиз, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишимиз, бир сўз билан айтганда, намунали мусулмон бўлишимиз, фарзандларимизни, келажак авлодни муносиб тарбиялаш йўлида қилинган буюк хизмат бўлади, иншааллоҳ.

Азизлар, бу онларни ғанимат билайлик, тоат-ибодатни кучайтирайлик, охираат захирасини қўлга киритайлик! Ҳар бир ибодатимиз асносида қилиб ўтган хатолару гуноҳларимиз учун Аллоҳ таолога астойдил тавба қилайлик, сидқидилдан дуо қилиб, юртимизга, бутун дунёга тинчлик-хотиржамлик тилайлик!

Аллоҳ таоло Рамазони шарифнинг баракотидан барча беморларга шифою комил берсин, барча эҳтиёжмандларнинг дардига малҳам бўлсин, дуоларимизни ижобат қилсин, сўраганимиздан афзалини берсин!

*Аллоҳ таоло бу муборак ойни юртимиз учун, бутун дунё мусулмонлари учун тинчлик-хотиржамлик, тоат-ибодат, тақво ойи, Қуръон ойи қилсин, иймон ҳаловатини, ибодат лаззатини насиб этсин!  
Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин!*

***Islom.uz портали жамоаси***